

**Томатли кетчуп ва соус маҳсулотларининг мамлакатимизда  
ишлиб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси  
ҳамда рақобат мухити тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

Рақобат сиёсати ва истеъмолчилар хуқуqlари тадқиқотлар маркази томонидан **Томатли кетчуп ва соус** (ТИФ ТН коди 2103200000) товар бозоридаги рақобат мухитини таҳлил қилиш ҳамда ички бозорнинг мамлакатимизда ишилб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Ўрганиш Миллий статистика қўмитасининг 2023 йил учун саноат маҳсулотлари ишилб чиқариш ҳажмлари маълумотлар базаси Божхона қўмитасининг импорт ва экспорт маълумотларига асосан ўтказилди.

**I. Томатли кетчуп ва соус маҳсулотларининг импорт ва экспорт ҳолати.**

Ҳисобот даврида **59 та** корхона томонидан **14 та** давлатдан қиймати **3,4 млн. АҚШ долларига** тенг бўлган **2,4 минг тн** томатли кетчуп ва соус маҳсулотлари **импорт** қилинган. Импорт қилинган маҳсулотларнинг **58 фоизи – Россия, 27 фоизи – Вьетнам, 5 фоизи – Қозоғистон, 7 фоизи** эса бошқа **10 та** давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Импорт асосида олиб келинган томатли кетчуп ва соус маҳсулотларининг ўртача нархи **1 тн** учун **1,4 минг долларга** тўғри келган.

Импортнинг концентрация даражаси ўрганилганда энг йирик **5 та** импорт қилувчи корхона ҳиссасига жами импортнинг **63 фоизи** тўғри келган.

2023 йилда **8 та** корхона томонидан **4 та** мамлакатга қиймати **33 минг АҚШ долларига** тенг бўлган **45,8 тн** томатли кетчуп ва соус маҳсулотлари **экспорт** қилинган. Экспорт қилинган маҳсулотларининг асосий қисми Жанубий Корея (88 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.

Экспорт қилинган мазкур маҳсулотларнинг ўртача нархи **1 тн** учун **732 долларга** тўғри келган.

**II. Ички бозорнинг мамлакатимизда ишилб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси.**

Миллий статистика қўмитаси ва Божхона қўмитасининг 2023 йил бўйича расмий статистика маълумотларига асосан ички бозорда остидаги маҳсулотларнинг мамлакатимизда ишилб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси аниқланди.

*Маълумот учун, Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорида белгиланган тартибда ҳисобланди.*

2023 йил давомида **15 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан **5,3 минг тонна** томатли кетчуп ва соус ишлаб чиқарилган. Шунингдек, мазкур йил давомида **2,4 минг тонна** томатли кетчуп ва соус маҳсулотлари импорт қилинган ҳамда экспорт ҳажми фақатгина **45,8 тонна**ни ташкил этган.

Мазкур маълумотлар асосида томатли кетчуп ва соус маҳсулотларининг **мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси** 2023 йилда **69,3 фоизни** ташкил этганлиги аниқланди.

*Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорига асосан товар бозори ҳажсимида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуши ушбу кўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади.*

Республикада ишлаб чиқарилган томатли кетчуп ва соус маҳсулотларининг **ўртacha нархи 1 тн** учун **11,2 млн сўмга** (2023 йил ҳолатига 907 АҚШ долл.) тўғри келган.

### **III. Ички бозордаги рақобат ҳолати.**

Таҳлиллар доирасида томатли кетчуп ва соус маҳсулотларини ишлаб чиқариш бозоридаги рақобат ҳолати халқаро тан олинган **ННІ** (Херфиндал-Хиршман индекси) ва **СР 3** кўрсаткичлари орқали баҳоланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлари асосида **ННІ** индекси ҳисобланганда, индекс натижаси **2 099 пунктга** teng бўлганлиги ва ушбу товар бозорида **рақобат муҳити етарлича ривожланмаганлиги** аниқланди.

*Маълумот учун: ННІ (Херфиндал-Хиршман индекси) бозордаги рақобат муҳитини баҳолаши ва концентрация даражасини аниқлаши учун фойдаланилади. Унга кўра, ННІ кўрсаткичи **0 дан 1500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити ривожланган**, **1500 дан 2500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити етарлича ривожланмаган**, **2500 дан 10 000 пунктгача** бўлганда бозор **юқори даражада монополлашган** ҳисобланади.*

Шунингдек, томатли кетчуп ва соус маҳсулотлари ишлаб чиқариш бозорининг **СР 3** кўрсаткичи **72,7 фоизга** teng бўлган.

**СР 3** кўрсаткичи - бозордаги энг йирик **3 та** корхонанинг бозор улушлари йигиндисига менг.

**ННІ индекси** ва **СР 3** кўрсаткичларига асосан томатли кетчуп ва соус маҳсулотлари ишлаб чиқариш бозорида **рақобат муҳити етарлича ривожланмаган бозор** деб таснифланишини кўрсатмоқда.

#### **IV. Хулоса.**

ТИФ ТН коди 2103200000 остидаги **томатли кетчуп ва соус маҳсулотлари** бозорининг **тўйинганлик даражаси 80** фоиздан паст эканлиги, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида **ракобат муҳити етарли даражада ривожланмаганлиги** ҳамда ички бозорда мазкур маҳсулотларга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича **мавжуд қувватларни кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ хисобланади.**

